Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 3 июль • № 26 (1047)



*Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!*

# ОБОД ЮРТНИНГ ФАЙЗИ

## нуроний отахону онахонларимиз, бахтиёр халқимиз саломатлиги билан янада нурафшон



**Ҳар йили доимий анъанага айланиб бораётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар туфайли халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Биргина 2014 йили мамлакатимизда жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг нафар аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди. Шунингдек, болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола вакцина билан эмланди. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга етди.**

**Қарийб олти йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан мунтазам тарзда ўтказиб келинаётган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикнинг қамрови янада кенгайиб, бундан мамлакатимиз аҳолиси ниҳоятда мамнун бўлмоқда.**

Айниқса, пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари томонидан олиб борилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриклар натижасида аҳолининг узоғи яқин бўлибгина қолмай, балки касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш, жойларда операция амалиётларининг бажарилишига эришилмоқда. Албатта, бу каби соғломлаштириш ҳафталиклари инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

– Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи асосида юртимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида навбатдаги ижтимоий акция давом этмоқда. Унда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий таълим муассасаларининг 300 нафарга яқин етакчи олим ва юқори малакали мутахассислари аҳолини чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар. Дарҳақиқат, мазкур йирик ижтимоий тадбир туфайли аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш билан бир қаторда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш,



ёшларни турмуш қуришга муносиб тайёрлаш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган Қарори фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишида, шунингдек, аҳоли соғлиғини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Шундай экан, Президентимиз томонидан 2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили” деб аталиши замирида ҳам юқоридаги амалий ишларимизнинг эзгу мақсад сари йўналтирилганлиги кўриниб турибди. Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган



ислоҳотлар натижасида бугунги кунда барча вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари, чекка туманлар шифохоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, сўнгги русумдаги замонавий аппаратуралар билан жиҳозланаётгани тиббий кўрикларни самарали ўтказишга имкон туғдирмоқда. Юқори малакали шифокорлар ҳар бир туман тиббиёт бирлашмалари, туман кўп тармоқли оилавий поликлиникалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктининг ўзидаги замонавий тиббий технологиялар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйишмоқда. Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтаётган навбатдаги ижтимоий акцияда аҳоли, шу билан бирга уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда қариялар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Албатта, мазкур саломатлик ҳафталигини қамрови янада кенгайди десак, муболаға бўлмайди.

Унда хирург, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, дерматo-венеролог, уролог, ортопед-травматолог, стоматолог каби ўнлаб мутахассислар турли ёшдаги аҳолини малакали тиббий текширувдан ўтказишмоқда, – **дейди академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз Назиров.**

Шу ўринда айтишимиз жоизки, ўтган йили мамлакатимизда жами 13 милли-

**(Давоми 2-бетда).**

*Фахр*

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ БУТУНЖАҲОН УНИВЕРСИАДАСИДА ҚАТНАШАДИ

**Жорий йилнинг 3-14 июль кунлари Жанубий Кореянинг Кванджу шаҳрида бўлиб ўтадиган XXVIII Бутунжаҳон универсиадасида 170 давлатдан 12 минг нафардан зиёд талаба-ёш 21 спорт тури бўйича 272 медаллар жамланмаси учун курашади.**

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси таркибида 31 нафар талаба спортнинг академик эшкак эшиш, енгил атлетика, таэквондо (WTF), теннис, қиличбозлик, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика ва дзюдо турлари бўйича баҳсларда қатнашади.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлодни тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Бу борада ўғил-қизларнинг маҳорат мактабига айланган уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақалари янги-янги истеъдодларни кашф этиш ва уларни катта спортга тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Бутунжаҳон универсиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаган спортчиларимиз орасида уч босқичли спорт тизими мусобақаларидан етишиб чиққан иқтидорли йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

Бу галги Бутунжаҳон универсиадаси ўзбек спортчилари учун 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**Бутунжаҳон универсиадасининг тантанали очилиш маросими 3 июль куни бўлиб ўтади.**

**ЎзА.**

*Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!*

# ОБОД ЮРТНИНГ ФАЙЗИ

## нуроний отахону онахонларимиз, бахтиёр халқимиз саломатлиги билан янада нурафшон

он 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди. Шунингдек, болаларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб, 300 минг бола вакцина билан



эмланди. **Жорий йилнинг 26-27 июнь кунлари Тошкент вилоятининг бир қанча туманларида юқорида таъкидлаб ўтилган соҳа мутахассислари томонидан аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.** Жумладан, мазкур акцияда Тошкент вилояти, Қибрай туманида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар ҳамда аҳолини пойтахтдан ташриф буюрган фан докторлари, профессор ва доцентлар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг ҳамкорликда олиб борган тиббий кўриклари натижасида кўплаб инсонлар саломатлиги тикланди, айримларига даволаниш учун юртимизнинг етакчи клиникаларига йўлланмалар берилди.

**Тошкент вилояти, Қибрай туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик хусусида соҳа мутахассислари ва аҳолининг фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз, деб билдик.**

– Аудиторияси йилдан-йилга кенгайиб бораётган ушбу ижтимоий акция инсонлар саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларнинг соғлиқларига бўлган эътиборларини ошириш, тиббий маданиятини шакллантириш, шунингдек, касалликлар тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлишларида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг ҳар йилни ўзига хос ном билан аташлари, соҳага оид чиқараётган фармон ва қарорлари замирида инсон саломатлиги, турмуш фаровонлигининг мужассамлигида катта рамзий маъно бор. У ҳам бўлса, кўрикнинг келажаги буюк бўлган давлатимиз пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилганидир. Бугунги бўлиб ўтаётган тадбирда пири бадавлат отахону онахонларимизнинг ўз саломатликларини кўрикдан ўтказиш учун кўтаринки кайфиятда ташриф буюрганликлари ва бу каби эътибор ва ғамхўрликдан, шунингдек, ана шундай жаннатмакон юртда яшаётганликларидан бениҳоя мамнунликларини билдириб, қўлларини дуога очдилар, – **дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директори, профессор Зафар Сиддиқов.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Бахтиёр ҒОФУРОВ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти неврология кафедраси мудири, профессор:**



– Мунтазам давом этиб келаётган ижтимоий акция аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан бир қаторда тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган маҳаллий шифокорлар учун ҳам катта мактаб бўляпти, десам хато бўлмайди. Давлатимизнинг бирламчи тизимга қаратган эътибори боис, аҳоли орасида барча касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даво муолажаларини сифатли бажариш каби вазифалар ўз вақтида малакали кадрлар томонидан амалга оширилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Жорий йилдаги саломатлик ҳафталикларини Кексаларни эъзозлаш йилида қарияларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси, деб биламан. Бу каби тадбирлар отахону онахонларимиз учун фақат бу йил эмас, балки ҳар йили давом этаверади. Қабулимда бўлган нуронийлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўзида кечаётган касалликлар ҳақида маълумотга эгалиги ҳамда саломатликларини тиклаш истагида эканлиги мени қувонтирди. Бу мамлакатимиз аҳолиси орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларининг фаол олиб борилаётганлигидан далолатдир.

**Саид ИСМОИЛОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор:**

– Ўз номига хос бўлган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги ушбу ижтимоий акциянинг қамрови кенг бўлиб, унда барча ёшдаги аҳоли, кексалар, оналар ва болаларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилаётганлиги натижасида бирламчи касалликлар кўрсаткичи камайиб боряпти, шу билан бирга хасталиклар олди олиниб, фуқароларнинг саломатлигига бўлган эътибори ошяпти. Бундан ташқари, аҳолининг узоғи яқин бўлиб, турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. Қабулимга келган ҳар бир фуқаро тиббиёт ходимларидан мамнунлигини билдириб, саломатлиги тўғрисида қайғураётганлиги албатта, қувонарли ҳолдир. Текширувдан ўтган аҳолининг айримларига жойларда даволанишини тавсия этган бўлсак, баъзиларига эса пойтахтдаги етакчи клиникаларга йўлланмалар бердик. Вазирлигимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган бундай чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўз самарасини бераяпти. Шундай экан, бу каби тадбирлардан биз мутахассислар бор билим ва тажрибаларимизни аямаймиз.

**Фарҳод ОҚИЛОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори, профессор:**

– Ушбу тадбир республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини қамраб олаётганлиги касалликларни эрта аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Мана, олти йилдирки, мазкур ҳафталикларда мунтазам иштирок этиб келаяпман. Натижасига келсак, халқимиз орасида кўпгина касалликларнинг олди олиниб, уларнинг кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Айниқса, бирламчи тизимда аниқланаётган касалликлар жойида ҳал этилиб, амбулатор ва стационар шароитида даволанмоқда. Шунингдек, вазирликнинг махсус буйруғига асосан ҳудудларда маҳорат дарсларининг ташкил этилганлиги ҳам мазкур тадбирларда намоён бўлмоқда. Чунки, кўрик давомида маҳаллий шифокорларнинг билим ва тажрибалари ошганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Албатта, юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, давлатимиз халқимиз учун, қолаверса, тиббиёт ходимлари учун ҳам зарурий шароитларни яратиб бермоқда. Ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун аввало ўзи масъул бўлмоғи лозим деб биламан.

***Мўмин АТАКАЕВ,***
***Қибрай туман фуқароси:***

*– Бу йил 90 ёшни қарши олдим. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Шу ёшга кирган бўлсамда тиббий кўрикдан ўтиш учун ўзим келдим. Пойтахтдан ташриф буюрган ҳар бир профессор қабулида бўлганимда улар билан дилдан суҳбатлашдим. Президентимизга раҳматлар айтдим. Чунки, Юртбошимиз биз каби ёши улуғ инсонларни қадрлаётганлиги, рағбатлантираётганлиги, шу билан бирга саломатлигим тўғрисида қайғураётганликларини қанча таърифласам оз. Айниқса, таниқли профессорлар Феруз Назиров, Бахтиёр Ғофуров, Фарҳод Оқилов, Саид Исмоилов ва Зафар Сиддиқовлардан жуда миннатдор бўлдим. Улардаги инсоний фазилатлар, самимийлик, билимдонлик, меҳрибонлик кўнглимни кўтарди. Текширув натижаларига кўра фақатгина оёғимнинг тизза қисмида оғриқлар борлиги учун зарурий муолажаларни ёзиб беришди. Фурсатдан фойдаланиб, тиббиётимиз заҳматкашларига чин дилдан ташаккуримни изҳор этаман.*



***Гуля МАМЕДОВА,***
***Қибрай туман фуқароси:***

*– Сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт ривожланиб, шифо масканлари фаолияти тубдан ўзгарди. Бундай катта ўзгаришлардан фақатгина телевизор, радио ёки газеталар орқали хабардор бўлар эдик. Эндиликда эса ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлмоқдамизки, туманимиздаги кўп тармоқли марказий поликлиниканинг янгидан бунёд этилиб, замонавий тус олганлиги, янги технологиялар ҳамда хушмуомала ва зукко тиббиёт ходимлари билан таъминланганлиги бизни ниҳоятда қувонтирмоқда. Пойтахтдан келган профессорлар текширувларидан ўтдим. Офтальмолог-профессор Зафар Сиддиқов қабулида бўлганимда, замонавий аппаратда кўзимни текширгач, жиддий касаллик йўқлигини, шундай бўлса-да ёшимга хос даво муолажалари олиб туришим кераклигини айтдилар.*







**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Комментарий

# НАДЕЖНЫЙ ЩИТ ОТ БОЛЕЗНЕЙ

***Одним из известных и высокоэффективных методов защиты от различного рода инфекционных заболеваний на сегодня является вакцинация. Новым словом в иммунопрофилактике в нашей республике должен стать Приказ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан №36 от 27 января 2015 года "Об организации и проведении иммунопрофилактики по управляемым инфекциям". Прокомментировать его мы попросили заместителя начальника Главного санитарно-эпидемиологического управления Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Дилором Турсунову.***

– Начиная с этого года по заданию Министра здравоохранения Республики Узбекистан Анвара Алимова сотрудниками Министерства здравоохранения был произведен пересмотр всех действующих нормативно-правовых документов в сфере медицины с целью их совершенствования, – говорит Дилором Алимовна.

Так, с Главным санитарно-эпидемиологическим управлением Министерства здравоохранения республики был пересмотрен ряд приказов по инфекционным заболеваниям. В частности, по профилактически-эпидемиологическим мероприятиям в отношении целого ряда заболеваний. Среди них, к примеру, корь, краснуха, эпидемический паротит, хиб-инфекция и другие.

В ходе пересмотра 7 приказов по данным инфекционным заболеваниям с учетом современной эпидемиологической ситуации в стране был разработан новый приказ. В нем постарались учесть все нюансы и сделать его максимально удобным для применения во врачебной практике. Кроме того, были составлены методические рекомендации о проведении профилактических противоэпидемических мероприятий по инфекционным и паразитарным заболеваниям. Данные рекомендации разработаны для пользования врачами всех уровней, как первичного звена системы здравоохранения, так и специализированных медицинских учреждений.

Приказ в отношении инфекционных заболеваний и методические рекомендации представляют большую ценность и направлены на достижение очень важных задач. Главная среди них – повышение осведомленности врачей, в первую очередь ВОП, в отношении различных заболеваний и их симптоматики, которая сегодня зачастую носит атипичный характер, а также всесторонним охватом населения, в первую очередь, детей, иммунизацией.

В настоящее время в Узбекистане уже не регистрируются случаи столбняка новорожденных, дифтерии, полиомиелит и многих других заболеваний. Однако, врачи не должны забывать о клинических проявлениях различных инфекционных заболеваний. Не стоит забывать о том, что есть дети с иммунодефицитными состояниями, а также малыши, которые не вырабатывают иммунитет в отношении той или иной инфекции, не смотря на то, что им была произведена вакцинация (в эту группу входит 10-12 процентов детей), есть также дети, кто переносит болезнь после прививки в легкой форме. И врач всегда должен быть настороже. Ведь, заболевание может носить видоизмененный характер и проявляться в виде одного из симптомов. Это может быть, к примеру, только конъюнктивит, сыпь или повышенная температура.



– Кроме того, инфекции, которые даже не регистрируются в республике, могут все равно циркулировать по стране, - продолжает Дилором Турсунова. - Это связано с ростом миграции населения, как в соседние государства, так и за рубеж, где могут регистрироваться случаи тех или иных заболеваний. Среди них – корь. И в Узбекистане регистрируются завозные случаи кори.

Вот почему так важно проводить работу среди врачей, патронажных медсестер, родителей с целью профилактики инфекционных заболеваний и максимального охвата населения иммунизацией. Призван повысить ответственность всех руководящих работников в сфере медицины, а также медицинских работников, вовлеченных в процесс иммунопрофилактики в Узбекистане, и новый приказ.

В настоящее время охват прививками по республике составляет свыше 95 процентов. Вакцинация согласно национальному календарю прививок осуществляется в учреждениях первичной системы здравоохранения бесплатно. Большое внимание уделяется качеству вакцино-препаратов. Также после проведения вакцинации медицинскими работниками ведется наблюдение за ребенком.

В ближайшем будущем планируется ввести в национальный календарь прививок вакцинацию против пневмококковой инфекции, вызывающей тяжелые заболевания и последствия после них у детей. Пункт, касающийся данной вакцинации, а также контроля за ней ответственных лиц нашел свое отражение в приказе.

Уделено в новом приказе внимание и такому немаловажному вопросу, как дальнейшее развитие и совершенствование лабораторных служб республики. В настоящее время в Узбекистане действуют такие службы, аккредитованные ВОЗ, как Национальная вирусологическая лаборатория, а также ряд бактериологических и вирусологических лабораторий, где диагностика различных инфекционных заболеваний проводится согласно мировым стандартам.

В дальнейшем в деле повышения и укрепления уровня иммунопрофилактики в стране планируется повышение кадрового потенциала медицинских сотрудников всех уровней, внедрение новых методов диагностики, а также укрепление работы в санитарно контролных пунктах, более углубленный поиск пациентов с подозрениями на инфекционные заболевания и при необходимости проведение противо эпидемических мероприятий в очаге эпидемии.

**Оксана КАДЫШЕВА.**

Касаба уюшма фаолияти

# АСОСИЙ МАҚСАД ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ

## меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш

***Фахр билан айтиш жоизки, касаба уюшмаси кенгашларининг "Инсонга наф келтириш – олий бахт" шиори остида иш олиб боришлари – бу инсонлар меҳнатини қадрлаш, муносиб рағбатлантириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, қолаверса соғломлаштиришдан иборатдир. Шундай экан, республика тиббиёт тизимида меҳнат қилаётган кўп сонли тиббиёт ходимларининг меҳнат ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси ва уларнинг тармоқлари томонидан амалга оширилаётган ишлари диққатга моликдир.***

2015 йилнинг 25 июнь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мажлислар залида соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳри ташкилотларининг III конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев кириш сўзи билан очиб, мазкур йўналишда олиб борилаётган фаолиятларга тўхталиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган биринчи масала: касаба уюшмаси республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Гулноза Тошпўлатова 2013 йил февраль ойидан 2015 йил май ойи мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Маърузачи ташкилот томонидан бажарилган ишларга урғу қаратиб, соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган соҳа ходимларига берилаётган амалдаги имтиёзлар, улардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, меҳнат муҳофазаси, шунингдек, тиббиёт ходимлари саломатлигига эътибор қаратиш ҳамда уларнинг фарзандларига ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун ажратилаётган йўлланмалар бериб келинаётганлигини таъкидлади.



Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган, яъни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгашининг ҳисобот-сайлов қурултойига ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция сўнгида иштирокчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш билан бирга таклифлар ҳам киритишди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Сурат муаллифи**
**Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

# КАЧЕСТВЕННАЯ МЕДПОМОЩЬ ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

Благодарность

***В середине мая месяца этого года, я был в деловой командировке в Андижанской области. Однажды ночью я проснулся от того, что почувствовал онемение левой руки и ноги и повышение артериального давления.***

А утром на следующий день меня повезли в областной центр. Опытные врачи и средний медперсонал данного медицинского учреждения очень быстро среагировали, получив все необходимые анализы и проведя обследование, меня госпитализировали в неврологическое отделение. За короткий срок я выздоровел и сегодня продолжаю свою трудовую деятельность.

Хотелось бы особо подчеркнуть, что данное медицинского учреждение, отвечающее всем требованиям, оснащен современной медицинской техникой. В нем трудятся настоящие профессионалы своего дела, которые день и ночь стоят на страже здоровья населения. И пользуясь возможностью, хотелось бы выразить слова благодарности своему лечащему доктору и заведующему отделения Маъмирджану Джураеву, доктору Насибе Каримохуновой, старшим медицинским сестрам Гузаль Умаровой, Висоле Мавляновой, Шахисте Абдурахимовой, санитарке Гульнаре Уринбаевой и всем остальным работникам коллектива. Пожелать им успехов в работе, крепкого здоровья и долголетия. Спасибо за то, что своим мастерством и ответственностью вы вносите вклад в защиту здоровья населения.

**Ш. ТЕМИРОВ,**
**город Ташкент.**

Эътибор ва ғамхўрлик

# САЛОМАТЛИГИНГИЗ ҚОНУНЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМ

**Биламизки, сил касаллиги бу ижтимоий масала ҳисобланиб, уни даволаш, соғломлаштириш чора-тадбирларини мунтазам олиб бориш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлмоқда. Шундай экан, қонунчиликда аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш, умуман ушбу хасталикка чалинган беморларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имтиёзлари нимадан иборат?**

**Ҳаётхон МУРОДОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Сўх тумани.**

– Хабарингиз бор, 2001 йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган. Унинг 5-моддасида аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Яъни, аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишга оид профилактика тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш ва аҳолини сил касаллигига қарши кураш муассасаларида, шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа муассасаларида даволаш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда мажбурий тарзда BCG билан чақалоқларни вакцинация ва болаларни ревакцинация қилиш ҳамда туберкулин ёрдамида ташхис қўйишни амалга оширади. Вазирлик мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши ижозат этилмайдиган ишлар рўйхатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлайди. Рўйхатда кўрсатилган ишларни бажариши ижозат этилган шахсларни мажбурий тиббий кўрикдан ва бактериоскопик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган даврийликда рентген-флюорография текширувидан ўтказишни ўз ичига олади. Сил касаллигининг юқумли шаклларига чалинган беморларнинг ётоқхоналарга кўчиб киришига йўл қўйилмайди. Беморнинг яшаш, иш, ўқиш жойларида (эпидемия ўчоқларида) эпидемияга қарши ва соғломлаштириш тадбирлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилган. Ундан ташқари, сил касаллигига чалинган шахсларнинг мажбуриятлари Қонуннинг 12-моддасида белгилаб қўйилган. Жумладан, **сил касаллигига чалинган беморлар:**

● *жамоат жойларида, иш, ўқиш жойида, жамоат транспортидан фойдаланишда, шунингдек яшаш жойларида шу тоифадаги беморлар учун белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишга;*

● *тиббиёт ходимининг даволаниш режимига, кундалик турмуш ва ишдаги юриш-туришига доир тавсияларини бажаришга;*

● *тиббиёт ходимининг чақирувига мувофиқ сил касаллигига қарши кураш муассасасига келишга;*

● *тураржойи ўзгарган тақдирда ўн кунлик муддат ичида янги жойдаги сил касаллигига қарши кураш муассасасида ҳисобга туришга мажбурдирлар.*

Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган ва шифокор белгилаган даволанишдан бўйин товлаётган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар, деб ёзиб қўйилган.

**Маълумки, бутун дунёда донор қонига бўлган эҳтиёж ортгани сари ушбу масала айни пайтда долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Саволим шуки, юртимизда қон донорларининг ҳуқуқлари ва уларга берилаётган кафолатлар, имтиёзлар ҳақида қайси қонун ҳужжатларида кенгроқ маълумот берилган.**

**Нигора САЛИМОВА,**
**Сирдарё вилояти,**
**Ховос тумани.**

– Албатта, юртимизда инсон омили, яъни унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш олий қадрият ҳисобланади. Айниқса, донорлик масаласида кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Ҳозирги кунда улар орасида энг мукаммали ва яхлити Ўзбекистон Республикасининг "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади. Ушбу ҳужжат 2002 йил 30 августда имзоланган бўлиб, мазкур масала билан боғлиқ кўплаб муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Хусусан, Қонуннинг 17-моддасида донорнинг ҳуқуқлари ҳақида сўз боради. Унга кўра, қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш чоғида донорни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соғлиғи сақланиши кафолатининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланиши, соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда бепул овқат билан таъминланиши белгилаб қўйилган. 20-моддада эса донор қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек тиббий кўрикдан ўтадиган куни ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади, деб кўрсатилган. Ушбу компенсациялар Меҳнат кодексининг 167-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, ушбу кодексда "Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда бериладиган кафолатлар" деган махсус модда киритилган. Унга кўра, ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланиши, тиббий текширувдан ўтадиган куни ва қуйиш учун қон топширадиган куни ходимларга соғлиқни сақлаш муассасаларига боришларига иш берувчи монеликсиз рухсат бериши шартлиги, донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қуйиш учун қон топширган куннинг албатта эртасига дам олиш учун бир кун берилади. Ходимнинг хоҳишига кўра, бу кун таътилга қўшиб берилади. Текширувдан ўтадиган ва қуйиш учун қон топширадиган куни ишдан озод этилган давр учун, шунингдек дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиши ҳам белгилаб қўйилган. Қонуннинг 21-моддасида донорни рағбатлантириш масаласи кўрсатилган. Яъни, қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ва бепул топширувчи донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланади. Шунингдек, донор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам рағбатлантирилиши мумкин.

**Эшитишимча, ўтган йили вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиб-таомиллари ҳақида қарор қабул қилинган экан. Ушбу ҳужжатда қандай талаблар ва шартларни бажариш мақсадга мувофиқ, деб белгиланган. Шунингдек, рухсатнома олиш қоидалари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

**Умар СИДДИҚОВ,**
**хусусий тадбиркор, фармацевт.**

– Дарҳақиқат, 2014 йилнинг 15 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг 341-сонли қарори билан "Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Низомнинг 9-бандида рухсатнома бериш учун риоя этилиши лозим бўлган мажбурий талаблар ва шартлар келтирилган. Рекламада дори воситасининг тўлиқ (шу жумладан халқаро фармакологик) номи ва ишлаб чиқарувчининг номи, дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш тўғрисида ахборот, қўллашга доир асосий кўрсатмалар, сертификатлар ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим. Дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, фойдаланиш ёки қўллашга доир йўриқнома билан танишиш ёхуд мутахассисларнинг маслаҳатини олиш зарурлиги тўғрисидаги огоҳлантириш. Бунда огоҳлантиришга телевидениеда реклама учун жами мўлжалланган майдоннинг камида 10 фоизи, шунингдек радиода дори воситасининг овозли рекламаси ролигига эфир вақтининг камида 5 секунди ажратилиши лозим.

**Шу билан бирга рекламада:**

● *дори воситасини ноёб, энг самарали, қўшимча таъсирларнинг мавжуд эмаслиги жиҳатидан энг хавфсиз восита сифатида ифодаланмаслиги;*

● *дори воситасининг таркиби, ишлаб чиқарилиши, янгилиги ёки патентланганлиги хусусида янглиш тасаввур бермаслиги;*

● *ишлаб чиқарувчи – рақобатчиларнинг обрўсига ёки товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), фирма номига, маҳсулотига, фаолиятига путур етказмаслиги;*

● *ўзларининг машҳурлиги туфайли дори воситаларини қўллашни рағбатлантириши мумкин бўлган олимлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, шунингдек давлат органлари мансабдор шахслари ёки бошқа шахсларнинг тавсияларини далил қилиб келтирмаслиги;*

● *дори воситасининг фақат ёки асосан болалар учун мўлжалланганлигини кўрсатмаслиги;*

● *дори воситасининг вояга етмаганлар томонидан қабул қилинаётганлиги ҳолатини ифодаламаслиги;*

● *мазкур дори воситасининг хавфсизлиги ва самараси унинг табиий келиб чиқиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқламаслиги;*

● *рекламанинг таъсирини кучайтириш мақсадида бошқа дори воситалари билан муболағали таққослашга йўл қўймаслиги;*

● *тиббий маслаҳатлар ёки жарроҳлик операцияларининг кераксизлиги тўғрисида тасаввур пайдо қилмаслиги;*

● *мазкур дори воситасининг таъсири кафолатланганлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқламаслиги;*

● *дори воситасини қўлламаслик одам соғлиғини ёмонлаштириши тўғрисидаги фикрни истеъмолчининг онгига сингдирмаслиги керак;*

● *дори воситасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, врач рецептисиз бериладиган дори воситалари рўйхатида мавжудлиги;*

● *дори воситаси Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ва унинг амалдаги рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бўлиши керак.*

Низомнинг 3-қисмида рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

Даставвал, рухсатнома бериш тўғрисида ариза, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун – юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; тадбиркорлик субъекти бўлган жисмоний шахс учун – якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, реклама материаллари (матн, сценарий, видео, аудио, мақола, модуль ва бошқалар), рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати, рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рухсатнома олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат ваколатли орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига топширилади. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар барча ҳолларда, токи ваколатли орган уларнинг ишончсизлигини исботламагунгача ишончли ҳисобланади.

**Тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотишда харидорларнинг ёши чегараланганми? Чегараланган бўлса, бу ҳақда қонун ҳужжатларида қандай нормалар мавжуд?**

**Анвар СОБИТОВ,**
**тадбиркор, Самарқанд вилояти.**

– Албатта, бу каби ҳолатларни тартибга солиш мақсадида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 13-моддасида қатъий талаблар белгилаб қўйилган. Унга кўра, 20 ёшга тўлмаган шахсларга тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотилмайди. Қонуннинг 14-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи шахслар мазкур маҳсулотларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун жавобгар бўлиши хусусидаги норма ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Шу ўринда яна бир нарсага алоҳида аҳамият қаратиш жоиз деб биламан, яъни қонуннинг 15-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда тамаки ва алкоголь маҳсулотларини 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши қайд этилган. Демак, эндиликда ушбу маҳсулотларни сотишга ҳақли бўлган юридик шахслар олдидаги мажбуриятлар юки янада ошади. Чунки, қонун қабул қилингунга қадар, вояга етмаган ўсмирлар орасида ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш ва уларга нисбатан маҳсулотни реализация қилиш ҳолатлари жуда кўп учраган эди. Муаммоларнинг асл ечими назаримизда яратилган мазкур қонун нормалари билан янада изга тушади.

**Хабаримиз бор, ўтган йили "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унинг аввалги қонун ҳужжатларидан фарқи ва ўзига хослиги нимада?**

**Муҳаббат ДОНИЁРОВА,**
**ўқитувчи.**
**Навоий вилояти,**
**Хатирчи тумани.**

– "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Жумладан, ушбу турдаги жавобгарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида (Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) ва Жиноят кодексининг 144-моддасида (Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) белгиланган. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ва Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қамраб олмаган, бу эса давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш аҳволини мураккаблаштираётган эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қонунда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди. Қонун айни кунда жойларда ижро этилмоқда. Ушбу масала билан боғлиқ саволларни газетамизнинг кейинги сонларида албатта бериб борамиз.

**Саҳифани**
**Намоз ТОЛИПОВ**
**тайёрлади.**
**(Материалларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларидан фойдаланилди).**

Этика и деонтология

# ПРИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ

***Профессиональная патология - область медицинской науки, которая изучает болезни и нарушения состояния здоровья, возникающие под влиянием неблагоприятных условий производственной среды или трудового процесса. Профессиональная патология - самостоятельная клиническая дисциплина, имеющая свою терминологию, гипотезы и теории патогенеза, методы и приемы диагностики, профилактики и лечения, обогащающая другие медицинские клинические специальности.***

Профессиональная патология является интегрирующей наукой, включающей в себя болезни (в том числе и профессиональные интоксикации), протекающие с преимущественным, реже изолированным поражением органов дыхания, зрения, нервной, сердечно-сосудистой, гепатобилиарной, костно-мышечной систем, кожи, крови и др.

В настоящее время одним из факторов, оказывающих влияние на состояние здоровья работающих являются условия труда, которые на многих предприятиях промышленности и сельского хозяйства, строительства, транспорта и связи не отвечают санитарно-гигиеническим нормам и требованиям. В результате воздействия вредных и неблагоприятных условий труда развиваются острые и хронические профессиональные заболевания и отравления.

В целях повышения ответственности врачей за полноту и качество проведения предварительных и периодических медицинских осмотров, своевременного выявления и извещения об острых и хронических профессиональных заболеваниях и отравлениях, проведения в полном объеме необходимых лечебных и оздоровительных мероприятий больным, инвалидам вследствие профзаболеваний, а также лицам из групп риска по развитию профессиональных заболеваний возникает насущная потребность в послевузовской профессиональной подготовке врачей-специалистов, повышении их уровня информированности по специальности "Профпатология".

Так, положительное влияние оказывает высокий уровень информированности врачей-специалистов лечебно-профилактических учреждений, предприятий народного хозяйства на эффективность организации и проведения предварительных и периодических медицинских осмотров.

В дальнейшем необходимо разработать основные направления совершенствования системы информационного обеспечения врачей-специалистов, участвующих в организации и проведении предварительных и периодических медицинских осмотров, как на уровне медицинских учреждений, проводящих медосмотры, так и на уровне центров профпатологии г.Ташкента, включающих совершенствование послевузовской подготовки специалистов и широкое использование различных путей распространения информации по вопросам сохранения и укрепления здоровья работников, в том числе, современных компьютерных технологий.

Установлена положительная связь между уровнем информированности врачей-специалистов и частотой выявления подозрений на профессиональную патологию.

Наиболее значимыми факторами оказывающими влияние на качество проведения предварительных и периодических медицинских осмотров являются наличие, вид и сроки послевузовской подготовки специалистов, использование информационных ресурсов, в том числе с применением современных технологий, а также участие в специализированных мероприятиях (подготовка информационно-методических материалов, участие в совещаниях, конференциях и семинарах, применение Интернета и телемедицины).

Медицинская деонтология в профпатологии также имеет свои особенности. Вопросы деонтологического характера приобретают особое значение еще до развития профессионального заболевания. Они могут возникать во время предварительного медицинского осмотра, при первом контакте пациента с врачом. Нередко поступающий на работу информирован о вреде ряда производственных факторов и может задать врачу вопрос о степени опасности для здоровья предстоящей работы. Не вдаваясь в детали, врач обязан ответить на вопрос, сделав при этом акцент на значении мер индивидуальной защиты, регулярности прохождения периодических медицинских осмотров, соблюдении режима питания и отдыха, вреде курения, употреблении алкоголя и наркотических веществ, т.е. уже первая встреча врача и рабочего должна носить деонтологическую направленность. Таким образом, основному звену "врач - больной" предшествует звено "врач - здоровый человек". Полученная рабочим информация о вредности тех или иных производственных факторов может вызвать у него повышенное внимание к собственным ощущениям. С одной стороны, это ведет к самоконтролю, способствующему выявлению ранних признаков профессионального заболевания, с другой (у мнительной личности) - к зарождению установки считать любое заболевание, возникшее в период работы, профессиональным. Подобная тенденция объясняется, в частности, определенными льготами для больных с профессиональными заболеваниями: более высокой пенсией в случае инвалидизации, а также возможностью получения денежного возмещения ущерба здоровью нанесенного по вине предприятия. Существующее мнение, что врач не обязан отвечать на вопрос пациента о характере или течении его заболевания, является неверным, ибо уход врача от ответа на заданный вопрос может привести к развитию так называемых немых ятрогений. Важный момент в профпатологии – первичное установление диагноза профессионального заболевания. Вопрос о признании заболевания профессиональным – один из основных в практической профпатологии. Направление рабочего с подозрением на профзаболевание к профпатологу, а затем в специализированное профпатологическое учреждение (Научно-исследовательский институт санитарии и гигиены (НИИСГ) и профпатологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан) должно быть обоснованным. Цеховой терапевт обязан с особой внимательностью изучить профессиональный маршрут, санитарно-гигиеническую характеристику условий труда, амбулаторную карту, выписки из истории болезни, данные предварительных и периодических медицинских осмотров рабочего и лишь в случае подозрения на профзаболевание направить его на консультацию к профпатологу медико-санитарной части предприятия или области. Качество документации – важный деонтологический вопрос, от которого зависит правильность и своевременность постановки диагноза, решение вопросов врачебно-трудовой экспертизы. Направление больного в профильное учреждение (Научно-исследовательский институт санитарии и гигиены (НИИСГ) и профпатологии) не должно сопровождаться заверением направляемого в наличии у него профессионального заболевания. Это может привести (при неподтверждении диагноза профзаболевания) к конфликтной ситуации, вызвать негативное отношение больного не только к лечащему врачу специализированного учреждения, но и к своему цеховому терапевту, некомпетентному, с точки зрения больного, в области профессиональной патологии. Доверие больного к врачу – непременное требование медицинской деонтологии. Неблагоприятное положение возникает, когда врач (цеховой терапевт или профпатолог), направивший больного на консультацию в специализированное учреждение профпатологического профиля, подвергает в его присутствии сомнению правильность заключения врачей этого учреждения. Создается порочный круг, который наносит вред не только больному (он уже не знает, кто прав), но и всей медицине в целом. При направлении больного в профильное учреждение врач должен объяснить причину этого направления (длительный стаж работы в контакте с профессиональными вредностями, ухудшение самочувствия и т.д.) и убедить, что обследование будет полезно независимо от результатов.




**Нередко по вине высококвалифицированных специалистов лечебных учреждений не профпатологического профиля возникают конфликтные ситуации. Направление такими учреждениями больных в Научно-исследовательский институт санитарии и гигиены (НИИСГ) и профпатологии с диагнозами (оформленными письменно и выданными на руки больному) "токсическая анемия", "пневмония профессионального генеза", "профессиональный фарингит" и т. п. или высказывание врача (профессора, консультанта) о "безусловно" профессиональном характере данного заболевания является грубым нарушением принципов деонтологии.**

Академик Б. С. Преображенский отмечал: "Когда говоришь с больным о его болезни, думай: что говоришь, кому говоришь, зачем говоришь.Правильно ли поймет тебя сам больной, его родственники, случайно присутствующие при разговоре люди (например, больные в палате)».

Повторное направление в клинику для обследования больного с отвергнутым диагнозом профессионального заболевания (по просьбе его самого или лечебного учреждения) не только нецелесообразно, но и вредно, прежде всего, для самого больного: у него появляется надежда на установление связи его заболевания с профессией. Исключением служит повторное наблюдение, необходимое для уточнения диагноза или получения каких-то новых, дополнительных данных. Первичное установление диагноза профессионального заболевания – всегда ответственность не только перед больным, но и перед предприятием, на котором работает больной, перед государством (финансовое обеспечение). Поэтому одним из основных требований медицинской деонтологии в профессиональной патологии является высокий уровень качества деятельности лечебно-профилактических учреждений, обслуживающих рабочих промышленных предприятий.

Большое значение имеют предварительные (при поступлении на работу) и периодические медицинские осмотры. От качества таких осмотров зависит своевременное выявление профессиональных заболеваний, проведение наиболее эффективных лечебно-профилактических мероприятий. Но в организации периодических медицинских осмотров много сложных вопросов (большая нагрузка на врачей, особенно крупных промышленных предприятий, значительный объем обязательных лабораторных исследований, не связанных с конкретными медицинскими показаниями и т.д.), решить которые чрезвычайно важно, поскольку одним из деонтологических принципов является целесообразность медицинских мероприятий.

Организацию и проведение периодических медицинских осмотров врачи лечебно-профилактических учреждений и в первую очередь цеховые терапевты осуществляют в тесном контакте с администрацией и профсоюзной организацией предприятия, а также с санитарным врачом по гигиене труда Центра санитарно-эпидемиологического надзора (ЦСЭН). От взаимоотношения этих людей, правильного понимания общей цели зависит успех работы. Одна из наиболее эффективных форм такого содружества - инженерно-врачебные бригады, решающие целый комплекс вопросов по оздоровлению условий труда рабочих и служащих. При решении всех вопросов, на всех уровнях врач должен быть, прежде всего, принципиальным, особенно в случаях, если интересы предприятия не совпадают с интересами больного (например, при расследовании случаев острых интоксикаций). Важнейшим деонтологическим требованием, предъявляемым к цеховому терапевту, является также совершенствование знаний в области профессиональной патологии.

**Помимо обязательной документации, цеховой врач (как и любой врач, к которому обратился больной) должен самым тщательным образом собрать анамнез. Отсутствие подробного анамнеза ведет к ошибочной диагностике, неправильному лечению, иногда с тяжелыми последствиями для здоровья больного.**

**Исроил ИСМОИЛОВ,**
**врач Городской детской клинической больницы №1. г.Ташкент.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Муштарий мактубларига бир назар*

# ОППОҚ ХАЛАТ, ШИРИН СЎЗ – ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда таҳририятимизга келаётган мактубларда худди шундай руҳ сезилади.**

Мушкул вазиятда кимдандир ёрдам кўрган кишининг миннатдор чеҳрасига дуч келганмисиз? У ўзига ёрдам берган кишига яхшилик билан жавоб қайтаргиси келади, ҳеч бўлмаганда, энг самимий тилакларини йўлласам, дейди. Айниқса, ҳаёт ва ўлим орасидаги масофани йўқотишга қодир бўлган касб эгалари – шифокор учун беморда илиқ ва самимий сўзларни эшитишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Беморнинг нажот истаб турган нигоҳлари шифокорни зудлик билан ҳаракат қилишга ундайди. Дори-дармон, ширин сўз ва яратилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, бемор ҳаётини сақлаб қолиш шифокорнинг доимий иш тартибидир. Оқ халат соҳиблари ҳар қандай вазиятда оёққа туриб, ўзидан кўмак истаб турган кишининг дардига малҳам бўлади. Соғайган бемор шифокор шаънига айтадиган илиқ гапларини оқ қоғоз узра тўкади. Қуйидаги мактублар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган қалб изҳорлари бўлиб, ҳар бирида миннатдорлик руҳи сезилиб туради.

**Абдулла БАРИМОВ,**
**Жиззах вилояти, Бахмал тумани,**
**«Янгибоғ» маҳалласи фаоли:**

– Инсон касалликка чалинмай туриб, соғликни ғанимат билиши лозим. Аллоҳнинг бизга берган энг катта бойлиги соғлиқдир. Баъзан эътиборсизлик қилибми, турли тасодифлар туфайлими, ана шу улуғ неъматимизда муаммо туғилади. Тошкент шаҳридаги Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтига соғлигимдан шикоят қилиб борганимда, мени маслаҳат поликлиникасидан жонкуяр шифокорларидан бири Аброржон Тожибоев очиқчеҳралик билан кутиб олди. Касаллигим қон таркибининг бузилиши билан боғлиқ экан. Тўғри ташхис қўйган Аброржоннинг тавсияларига кўра, зарурий дори-дармонларни қабул қилдим. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилмоқдаман. Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётгани учун ҳам биз меҳнат фахрийларининг қўллари доимо дуода. Мен ҳам невараларим билан намунавий уйлардан бирида истиқомат қиляпман. Худди шаҳардаги каби шароит: иссиқ-совуқ сув, газ, электр токи. Шинам уй-жойлар халқимиз дидига мослаб қурилган. Ишқилиб, йилдан-йилга юксалиб бораётган Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

**Фаина ШАРИПОВА,**
**Андижон шаҳри:**

– Тақдир экан, ҳаётда жуда кўп қийинчиликлар кўрдим. Бунинг устига тез-тез соғлигимда юзага келган муаммолар қуршовида қолганман. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари кўмаги билан Тошкент тиббиёт академиясининг кардиология бўлимида даволанишимга тўғри келди. Мени текширувдан ўтказиш учун қон, сийдик таҳлилларимни олишди. Бўлим мудири Шухратбек Йўлдошев, даволовчи шифокор Шаҳло Рўзикуловалар бамаслаҳат иш тутган ҳолда менга энг зарурий тиббий ёрдамни кўрсатдилар. Дори-дармон, озиқ-овқат, иссиқ ўрин – барча-барчаси муҳайё қилинди. Қисқа кунлар ичида соғлигим яхшиланди. Яхшиямки, жонга дармон бўлувчи шифокорлар бор экан, мен каби беморларнинг умрига умр, ёшига ёш қўшилади. Шифокорларнинг беморга талаб даражасида хизмат кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган давлатимиз раҳбарига, ҳукумат аъзоларига, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига мингдан-минг раҳмат айтиб қоламан.

**Ихтиёр СУЮНОВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон туманида яшовчи меҳнат фахрийси:**

– Яқинда турмуш ўртоғимнинг тоби қочиб, Косон туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлимига тушиб қолди. Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраб-авайлаш, унинг умрини узайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўқиб ва эшитиб юрардим, ана шу ҳақиқатга ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Шифокоронинг жарроҳлик бўлимида беморларнинг даволаниб чиқиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини кўрдим. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун яратилаётган бундай имкониятлар туфайли ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи қарор топиб, барча фуқароларнинг тиббий саводхонлиги ошмоқда. Бизга беминнат ёрдам кўрсатган шифокор Илҳом Каромовга, Суюн Кўзиева ҳамда жарроҳлик бўлимининг барча шифокорларига турмуш ўртоғимнинг соғлигини тиклаб берганликлари учун раҳмат айтиб қоламан. Кўп йиллардан бери ана шу даргоҳда ишлаб келаётган шифокорлар бемор кўнглини кўтарувчи сўзлари, юксак муомала маданияти билан элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқдалар. Аслида, шифокорга бундан ортиқ яна нима керак?

**А. ҲАЙИТОВА,**
**Тошкент шаҳри:**

– Пойтахтимизда жойлашган шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида барча беморларга зудлик билан хизмат кўрсатилиши ҳақида эшитган эдим. Бунга яқинда ўзим ҳам амин бўлдим. Травматология бўлимида қизимни даволаган шифокорларнинг ёш бўлишига қарамасдан жонкуярлиги, бемор атрофида парвона бўлиши бизни мамнун қилди. Бош шифокор А. Соатов, бўлим мудири Г. Латипова, шифокор Ш. Рустамов ва бошқалар фарзандимга шошилинч равишда кўрсатилиши керак бўлган ёрдамларни аяшмади. Қизим бу ердан ўз дардига анча даво топди. Яхши ҳамки, беморнинг аҳволини ўнглашга қодир бўлган шифокорлар бор, йўқса, ҳолимиз нима кечарди? Шунинг учун ҳам шифокорларга энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

**Гулчеҳра РЎЗИЕВА,**
**Гулбаҳор ҚОДИРОВА ва бошқалар,**
**Фарғона вилояти, Бувайда тумани:**

– Биз бир гуруҳ ўрта тиббиёт ходимлари 2014–2015 ўқув йилида Тошкент шаҳрига келиб, ўз малакамизни ошириш жараёнида шунга амин бўлдикки, нафақат замонавий шифо масканлари ишга туширилиб, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда, балки кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда. Бундан беш йил муқаддам Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика Маркази Қўқон филиалида касбий билим даражамизни ошириб кетган эдик. Буни қарангки, ўтган давр ичида бу даргоҳ аввалгига қараганда, ижобий томонга ўзгарибди. Хоналар ёруғ ва шинам, янги жиҳозлар, кўргазмали воситаларни кўриб, лол қолдик. Қўқон тиббиёт коллежининг тажрибали ўқитувчилари бизга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида йўлга қўйилган энг сўнгги янгиликлардан бохабар қилишда замонавий технологиялардан фойдаланишди. Мультимедиа воситалари орқали бирламчи тизим – оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктида ҳамширалик хизматини ташкил қилишнинг тиббий-назарий асослари билан танишдик. Филиал раҳбари М. Ҳакимова ташаббуси билан бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар ўрта тиббиёт ходимларининг касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўрганганимиз ўзимизга фойда, янгиликларни амалиётда қўлласак, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини сақлашда катта муваффақиятларга эришамиз.

**О. АЛЛАМБЕРГЕНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси,**
**Нукус шаҳри,**
**72 уй, 21-хонадон:**

– Дунёда экологик муаммолар авж олгани сари аҳоли ўртасида аллергик касалликлар кўпаяётган экан. Буни телевидение ва радио орқали кўриб, эшитиб тураман. Жорий йилнинг февраль ойида танамга қандайдир тошмалар тошиб, қичишиш безовта қила бошлади. Нукус шаҳридаги тери-таносил касалликлари диспансерига ва бошқа мутахассисларга учрадим, натижа бўлмади. Сўнгра, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи дўстларимдан бирининг тавсияси билан март ойининг охирида Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий марказига бориб, касаллигимнинг номи бутунлай бошқача эканлигини билдим. Марказ бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Улуғбек Собиров шахсан ўзи мени тиббий кўрикдан ўтказиб, бу ерда комплекс даволанишим зарурлигини айтди. 4-бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Абдумалик Исмоилов мени 10 кун мобайнида даволаб, дарддан анча фориғ бўлишим учун қўлидан келган ёрдамини аямади. Кейинги даволаниш жараёнини Абдумаликнинг шогирди Азамат Айтмамбетовнинг ёрдами билан ўз уйимда давом эттирдим. Ҳозир безовта қилган яра-чақалардан халос бўлдим. Билимли, тажрибали ва мушоҳадали шифокор Улуғбек Собиров, Абдумалик Исмоиловга бир умр таъзим қиламан.

**Феруза АБДУСАМАТОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Олмазор тумани:**

– Қизим Дилфузани тана ҳарорати ошиб, безовта бўлавергач, Тошкент шаҳар шошилинч тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси шифокорларига қўнғироқ қилдик. Ўша куни шифохонанинг гинекология бўлимида врач Феруза Аҳатова навбатчи экан. Беморни қабул қилиб олгач, тезликда уни операция қилиш лозимлигини айтди ва қизимда ўтказилган амалиёт муваффақиятли амалга оширилди. Тўғриси, мен мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта-катта тиббий ислоҳотлар ўтказилаётгани ҳақида эшитардиму, унчалик аҳамият бермасдим. Бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Ўз мустақиллигининг 24 йиллигини кутиб олаётган ўзбек халқининг фаровон яшаши учун шунчалик имкониятлар яратилаётган экан, мен каби оналар Президентимизга, ҳукуматимизнинг барча бошқарув идораларига чексиз миннатдорлик билдираман.

**Таскира ИБНЕЕВА,**
**Тошкент шаҳри, Учтепа тумани:**

Мактуб муаллифининг дил ташаккурларини ўқир эканмиз, қийин вазиятда бемор ҳаётини сақлашга камарбаста турувчи шифокорлар жамоаси кўз олдимизда гавдаланди.

– Учтепа тумани тез тиббий ёрдам бўлимига келтирилиб, ички касалликлар бўлимига ётқизилдим. Бу ерда менга бириктирилган бўлим мудири Муқаддас Сайидакбарованинг чеҳрасидан нур ёғилишини кўриб, дардимни унутгандек бўлдим. Даволовчи шифокор Багелия Абдурашитова, ҳамшира Мунира Салимова менга алоҳида эътибор билан қарашиб, касалликдан фориғ бўлишим учун билим ва тажрибаларини ишга солишди. Қисқа кунлар ичида бу шифокорлар кўмаги билан оила аъзоларим бағрига қайтганим учун миннатдорман.

**Тошкент шаҳридаги 2-сонли юқумли касалликлар шифохонасида фарзанди даволаниб чиққанидан мамнун бўлган Екатерина Николаевнанинг** мактубидаги сатрлар жуда самимий ва илиқ. У мазкур шифохона бош врачи Саида Раҳмоновага намунали тиббий хизматни ташкил этишга бош-қош бўлгани, кўплаб беморлар бу ердан соғайиб, оила аъзолари бағрига қайтаётгани учун даволанувчилар номидан чексиз миннатдорлик билдириб, “Ягона интерактив давлат хизматлари” порталига мактуб йўллаган.

**Ушбу порталга мактубини жойлаштирган яна бир аёл Валентина Михайловнанинг** дил сўзларини ўқиганда, беихтиёр таъсирланасан, киши. Мактубда шундай жумлаларни ўқиш мумкин:

– Чилонзор туманининг 11-даҳасида жойлашган 24-оилавий поликлиника маъмурияти намунали даволаш муассасаларидан бири эканлигига амин бўлдим. Даволаш бўлими бошлиғи Зарофат Тўхтаева ҳамда терапевт врач Саодат Содиқовалар томонидан аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат ва юксак муомала маданиятидан биргина мен эмас балки, ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ҳам мамнун. Шунингдек поликлиниканинг офтальмология, ортопедия, гинекология ва неврология хоналарида ҳам тажрибали шифокорлар беморларни қабул қилиб, зарурий йўл-йўриқ бермоқда.

**Яна бир муаллиф Ирина Васильевна порталга ўз фикр-мулоҳазаларини юборар экан, 1-республика клиник шифохонасининг кардиология бўлими** бошлиғи Н. Йўлдошева, врачлар Д. Имомхонова, Ж. Зокиров, Ж. Қосимов, катта ҳамшира М. Абдурафикова, ҳамшира Н. Шодмоновaларнинг ўз касбига ўта масъулият билан қарашини, бу эса бемор билан мулоқотда муҳим роль ўйновчи омил эканлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси – **Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридан “Ягона интерактив давлат хизматлари” порталига мактуб йўллаган Мансурбек Мадаминовнинг** самимий фикрларини ўқиймиз:

– Урганч шаҳридаги 2-сонли оилавий поликлиникада аҳоли бирламчи тиббий хизматнинг барча имкониятларидан фойдаланмоқда. Поликлиниканинг отоларинголог шифокори Маҳмуд Мадримов қабулига фарзандларимиз Зафарбек ва Нурбек билан кириб борганимизда, очиқ чеҳрали бу мутахассиснинг бемор билан қилаётган юксак муомала маданиятига, билимдонлиги ва тажрибасига тан бердик. Агар бемор унинг қабулига келолмай, узрли ҳолат бўлса, Маҳмуд Мадримов имкон қадар ўша хонадонга бориб, зарурий кўмагини аямайди. Ҳақиқий шифокор шундай бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва таҳририятимизга келаётган хатларнинг қайси бирини ўқиб чиқмайлик, мактуб эгалари оппоқ қоғоз узра ўз инсоний туйғуларини самимий руҳда битганига ишонч ҳосил қиламиз.

**Мактубларни**
**Ҳулкар КУЗМЕТОВА**
**шарҳлади.**

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2015 йил 29 майдаги 7-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига кўра ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан тугатилган ва вақтинча тўхтатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати**

**Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Тиббий фаолият ва почта манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | Яшнобод тумани, Авиасозлар 1-мавзеси, 12-уй, 39-хонадон | “MARSIANA FARM” МЧЖ | 1450-00 02.08.2012 й. берилган |
| 2 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15, Жанггоҳ кўчаси, 7-уй, 64-хонадон | “SUPER ARDUA” МЧЖ | 0587-01 04.05.2012 й. берилган |
| 3 | Тошкент шаҳри | Чилонзор тумани, Яшнар кўчаси, 17-уй | “DILBAR DENTA” МЧЖ | ПЮ-0518 30.04.2010 й. берилган. **Амал қилиши 30.04.2015 йилда тугаган.** |
| 4 | Тошкент шаҳри | Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 8-уй, 1-хонадон | “DOCTOR UMARGALIEV” МЧЖ | 0511-01 30.05.2012 й. берилган. **Амал қилиши 30.04.2015 йилда тугаган.** |
| 5 | Тошкент вилояти | Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 22-уй | “CHIRCHIQ BOLALAR SOG'LOMKASHTIRISH SPORT KOMPLEKSI” МЧЖ | 0522-03 23.10.2012 й. берилган. **Амал қилиши 30.04.2015 йилда тугаган.** |
| 6 | Тошкент вилояти | Қибрай тумани, Салар ШФЙ, Университет кўчасида | “TADBIRKOR” МЧЖ | 0573-01 15.05.2013 й. берилган |
| 7 | Самарқанд вилояти | Иштихон тумани, Шейхларкент қишлоғи | “XOLDOR MED SERVIS” хусусий корхонаси | Ю-0603 31.05.2010 й. берилган |
| 8 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 17-уй | “LYUDMILA MEDIKAL SERVIS” МЧЖ | 0821-02 03.03.2015 й. берилган |
| 9 | Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 11-уй | “EXO TERMIZ” хусусий корхонаси | Ю-1058 30.09.2011 й. берилган |
| 10 | Сурхондарё вилояти | Денов тумани, И.Тўраев СФУ, К.Хандалов маҳалласи | “Какнус-Кардио” хусусий тиббиёт фирмаси | Ю-0564 30.04.2010 й. берилган. **Амал қилиши 30.04.2015 йилда тугаган.** |
| 11 | Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 37-уй | “ADELIYA SHIFO” хусусий корхонаси | 2100-00 16.08.2013 й. берилган |
| 12 | Андижон вилояти | Булоқбоши тумани, Майариқ ҚФЙ, Исломобод кўчаси, 7-уй | “Инсоний бурч” МЧЖ | 2142-00 06.09.2018 й. берилган |

**Ўз хоҳишига кўра амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Почта ва тиббий фаолият манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳри | Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси, 8-уй, 44-хонадон | “DERMATOLOGIYA VA KOSMETOLOGIYA” МЧЖ | 6780-00 23.01.2015 й. берилган | 28.05.2015 йилдаги хатига асосан амал қилиши 40 кунга вақтинча тўхтатилди (10.06.2015 йилдан 22.07.2015 йилга қадар). |
| 2 | Тошкент шаҳри | Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 2-Б/1-уй | “REPRO-TEST” МЧЖ | 1643-02 06.11.2014 й. берилган | 30.04.2015 йилдаги 26/15-сонли хатига асосан амал қилиши 01.05.2015 йилдан номаълум муддатга вақтинча тўхтатилди. |
| 3 | Фарғона вилояти | Қувасой шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 1-уй | “Қувасойцемент” ОАЖ | 0774-01 10.12.2013 й. берилган | 11.05.2015 йилдаги 878-сонли хатига асосан амал қилиши 3 ойга вақтинча тўхтатилди (01.06.2015 йилдан 31.08.2015 йилга қадар). |
| 4 | Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус шаҳри, А.Шамуратов кўчаси, 22-уй | “NUKUS MED CONTACT” МЧЖ | 1892-00 15.05.2013 й. берилган | 20.05.2015 йилдаги 19-сонли хатига асосан амал қилиши 3 ойга вақтинча тўхтатилди (26.05.2015 йилдан 26.08.2015 йилга қадар). |

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Почта ва тиббий фаолият манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 39-уй | “KOREYA MEDIKAL SERVIS” МЧЖ | 1825-00 23.04.2013 й. берилган | Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 11 майдаги 14-1508/5610-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тугатилди. |
| 2 | Андижон вилояти | Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй | “РАҲМАТУЛЛО” хусусий фирмаси | Ю-0720 29.09.2010 й. берилган | Андижон вилояти хўжалик судининг 2015 йил 30 апрелдаги 17-1508/5172-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тугатилди. |

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати**

| № | Ҳудуд номи | Почта ва тиббий фаолият манзили | Фирмалар номи | Лицензия рақами | Асос |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қашқадарё вилояти | Шахрисабз шаҳри, Тутзор МФЙ, Н.Бердиев кўчаси, 23-А уй | “ИБН СИНО” хусусий корхонаси | 2440-00 31.03.2014 й. берилган | Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 15 майдаги 18-1504/11900 рақамли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши уч ой муддатга вақтинча тўхтатилди. |
| 2 | Жиззах вилояти | Жиззах шаҳри, Тошлоқ маҳалласи, Шифокорлар кўчаси, 9-А уй | “JAXON SARVINOZ” МЧЖ | 1659-01 14.04.2015 й. берилган | Жиззах вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 8 майдаги 13-1508/5323 рақамли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши уч ой муддатга вақтинча тўхтатилди. |

*101 хизмати*

# ЭҲТИЁТКОР ВА ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Пойтахтимиздаги қурилиш, ободонлаштириш ишларини ҳар бир ҳудудда кузатишимиз мумкин. Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Албатта, мазкур ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги бўйича назоратни кучайтириш ёнғин хавфсизлиги ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Миробод туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Қурилиш майдонлари доимий ҳолда ёнувчи чиқиндилардан тозаланиши, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, ҳудудда очиқ олов ёқилишига, кислород-газ баллонлари, бўёқлар, карбид, тез ёнувчан ёғоч материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр-газ пайвандлаш ишлари даврида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, ҳовлидаги қурилиш вагончаларини ёнғин хавфсизлиги қоидалари асосида ўрнатилиши ва уларга улаб олинган электр тармоқларини электр ускуналаридан фойдаланиш қоидаларига қатъиян риоя қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Шунингдек, қурилиш ташкилотларида ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул этиб тайинланган шахслар жавобгарлиги оширилиб, уларга зарурий маълумотлар ўз вақтида етказилмоқда. Албатта, ёнғин ҳодисаларининг олдини олиш, эҳтиёткор ва огоҳ бўлиш ўзимизга боғлиқлигини унутмаслигимиз зарур.

**Жанибек САЛИМБАЕВ,**
**Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.**

* * *

Ёзнинг айни иссиқ кунларида қуриб қолган шохлар, ўтлар ёнғин чиқиш хавфини кучайтирмоқда. Айниқса, ўчирилмаган сигарет, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши ва бошқа сабаблар туфайли шох-шаббалар ёниб, теварак-атрофдаги биноларга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Кейинги кунларда Миробод тумани бўйича бир қанча ёнғинлар содир бўлди. Жумладан, Қуйлиқ 1-мавзе, 20-уй, Фитрат кўчаси, 2-уй ёнида ҳамда Қўйлиқ 3-мавзедаги “Чебурашка” номли боғ ҳудудида ана шундай кўнгилсиз ҳолатлар юз берди. Бундан ташқари, бундай ноҳуш ҳолатлар кўпгина муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Тутун натижасида аллергик хасталиклар хуруж қилиб, инсон ҳаётини хавф остига қўймоқда.

Шундай экан, қуриган ўтларни йиғиштириб олиш, махсус воситалар ёрдамида чиқиндихоналарга жўнатиш ёки хандақларга кўмиш мақсадга мувофиқдир. Бундай чора-тадбирлар ёнғин хавфсизлигини таъминлаши билан бирга аҳоли саломатлигини сақлашга ҳам хизмат қилади.

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,**
**Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.**

* * *

Мактабгача таьлим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги таьминланишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўп тармоқли вазифаларидан биридир. Бу борада Тошкент шаҳар Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туманда жойлашган барча мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг амалдаги ижросини таьминлаш юзасидан доимий назорат олиб бормоқдалар.

Болажонларга хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилмоқда. Айниқса, ёнғин хавфсизлиги қоидалари сирасига кирувчи эвакуация режаси асосида фавқулодда вазиятларда болаларни бинодан эвакуация қилиш амалий машғулотларида болажонлар катта қизиқиш билан иштирок этмоқдалар. Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад, келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таьминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бартараф этишдир.

**Ҳусан САЙДАҲМЕТОВ,**
**Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

***Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлиғи ночор, даволанишга муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиляпти. Ногиронларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоялаш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан бирига айланган.***

Айни кунда Хоразм вилоятининг Шовот, Янгибозор ва Гурлан туманлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқдамиз. Жойларда белгиланган жадвал асосида бемор ва ногиронларни тиббий кўрикдан ўтказаяпмиз. Ногиронликнинг олдини олиш, уни тўғри белгилаш, реабилитация қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

Тиббий муассасаларда ногиронларни якка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши врачларимиз томонидан мунтазам назорат қилиниб борилаяпти.

Туман тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олиб борилаётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ТМЭК назорат кўриги орқали 10 нафар ногироннинг соғлиги қисман тикланганлиги учун ногиронлик гуруҳи енгиллаштирилди, 14 нафар ногирон касб-ҳунар ўрганиш учун ўқишга юборилди. Ногирон деб топилган инсонларга нафақалар ўз вақтида тўланиб, тез-тез шифокорлар кўригидан ўтказиб борилаяпти.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Шовот туманлараро 99-сонли ТМЭК раиси.**

### Бирламчи тизим фаолияти

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, “Саломатлик” дастури бўйича зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Ушбу муассасаларда аҳолининг барча тоифаларига тиббий ёрдам кўрсата оладиган умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалар фаолият олиб бормоқда.***

Фарғона вилоятидаги икки юз тўқсон учта қишлоқ врачлик пунктида ҳам ана шундай замонавий шароит ва имкониятлар яратилган ҳолда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Барча муассасалар тегишли давлат дастурлари ва лойиҳалар асосида босқичма-босқич энг сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш аппаратлари, лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмоқда. Ҳар йили ҳудудий манзилли дастурлар бўйича белгиланган қишлоқ врачлик пунктларида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётир.

– Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини олис қишлоқ ва маҳаллалар, тоғли ҳудудларда қад ростлаган ва замонавий тарзда жиҳозланган шифо масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин, – **дейди Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов.** – Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, аввало, инсон саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида Саломатлик ҳафталиклари ташкил этилиб, кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Жойларда олиб борилаётган тушунтириш ишлари соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бувайда туманида ҳам мазкур йўналишда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

– Президентимиз раҳнамолигида бирламчи тиббий бўғинга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самара бераётир, – **дейди Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Валижон Ҳайдаров.** – Туманда фаолият юритаётган 23 қишлоқ врачлик пункти Саломатлик лойиҳалари доирасида тиббий жиҳозлар билан таъминланган. УЗИ, ЭКГ, вақтинча сунъий нафас олдириш аппарати ва лаборатория жиҳозларидан ташхис қўйиш ва даволашда, профилактик тадбирларни ўтказишда кенг фойдаланилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари, биринчи навбатда, кексалар, болалар, ўсмирлар, репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида профилактик мақсадли тиббий кўрик ўтказиш йўли билан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.






“Соғлом она – соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, алоҳида эҳтиёжманд оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, қишлоқларда ушбу йўналишдаги ишлар кўлами кенгаймоқда. 51 минг 442 нафар фертиль ёшидаги аёллар рўйхати шакллантирилиб, саломатлиги доимий назоратга олинган. “Пошшопирим” қишлоқ врачлик пункти тумандаги намунали масканлардан бири бўлиб, тўққиз мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– Муассасамиз “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, – **дейди “Пошшопирим” қишлоқ врачлик пункти мудири Умиджон Мадумаров.** – Бу ерда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Тиббиёт ходимлари хонадонларда бўлиб, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи ва маданиятини юксалтиришга қаратилган турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Натижада эрта ҳомиладорлик ва турли юқумли хасталиклар қайд этилмади.

Тумандаги барча қишлоқ врачлик пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш сифатли йўлга қўйилгани боис, аҳолининг ушбу бирламчи тиббиёт бўғинига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бу турли касалликлар камайиши, аҳоли тиббий маданиятининг юксалишига хизмат қилмоқда.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Муқимжон ҚОДИРОВ**
**олган суратлар, (ЎзА).**

### Благодарность

# Спасибо за заботу и участие

**Охрана здоровья населения, оказание качественной медицинской помощи путем современных методов диагностики и лечения – это одна из приоритетных задач, поставленных перед медицинскими работниками нашей страны.**

Благодаря заботе государства на сегодняшний день медицина страны совершенствуется изо дня в день. Идет работа по оснащению учреждений новейшими медицинскими технологиями, ведется активная работа по повышению уровня знаний кадрового персонала. И несомненно, все это ведет к улучшению качества медицины и оздоровления населения.

В редакцию газеты “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” приходят многочисленные письма, в которых наши читатели делятся своим мнением в отношении качества оказываемой медицинской помощи. Среди них много писем, в которых они благодарят коллективы медицинских учреждений страны за их профессионализм. В подтверждение моих слов, хотелось бы отметить письмо благодарности, которое пришло от группы пациентов, в лице М. Туляганова, А. Пахунова, О. Турдиева, Е. Павловой, Т. Суюнова, Т. Шариповa, А. Игамбердиева, А. Нодерова, которые прошли лечение в Центре гемофилии и депрессии крови Научно-исследовательского института Гемофилии и переливания крови. В своем письме они неоднократно говорили о том, как качественно работает вся медицинская система для сохранения здоровья человека. В новых, современно оснащенных учреждениях работают ответственные врачи с глубокими знаниями. И вот выдержка из данного письма: «доверив свое здоровье им, ты ни на минуту не сомневаешься в успехе лечения. Благодаря их нелегкому труду наше здоровье заметно улучшилось, мы вновь обрели силы и радуемся каждому дню. И сегодня, в данном письме, хотелось бы выразить слова глубокой благодарности всему коллективу Центра гемофилии и депрессии крови Научно-исследовательского института Гемофилии и переливания крови, особую благодарность хотелось бы выразить врачу-физиотерапевту Гузаль Киличевой за ее заботу, сочувствие и понимание, с которым она относится к больным и вселяет надежду на выздоровление. Желаем ей крепкого здоровья и долгих лет жизни».

### Обуна – 2015

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази функционал ташхислаш бўлими бошлиғи Нодир Ўткирович Шараповга падари бузруквори

**Ўткир Боқихонович ШАРАПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази жамоаси марказнинг функционал ташхислаш бўлими бошлиғи Нодир Ўткирович Шараповга падари бузруквори

**Ўткир Боқихонович ШАРАПОВнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси таҳририят собиқ бош муҳаррири Нодир Ўткирович Шараповга падари бузруквори

**Ўткир Боқихонович ШАРАПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

***Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларимизга мурожаат қилишингиз мумкин:***
***(8-371) 233-13-22, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru***

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4608 нусха.
Буюртма Г-758.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.